

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 27121,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 12,1 % га ўсди.

2018 йил январь-декабрь яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 8923,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 10,2 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Андижон вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,7 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017йил январь-декабрга нисбатан, % да
	2017йил январь-декабрь	2018йил январь-декабрь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	19206,0	27121,6	112,1
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	18810,7	26487,1	111,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	395,3	634,5	121,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	18810,7	26487,1	111,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9603,2	13050,0	105,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3505,4	6630,5	140,7
саноат	2691,3	5515,0	151,2
қурилиш	814,1	1115,5	106,1
Хизматлар	5702,1	6806,6	104,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1385,4	1729,3	105,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1405,7	1515,9	104,8
бошқа хизматлари	2911,0	3561,4	104,1

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати – 105,7 %, (ЯХМ таркибидаги улуши 49,3 %), саноат –151,2 % (20,8 %), қурилиш–106,1 % (4,2 %) ва хизматлар – 104,6 % (25,7 %)ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 97,7 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 2,3 % ни ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 6,4 % пунктга ошди ва 25,0 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,8 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 49,3 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 25,7 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даври (30,3%) билан таққосланганда 4,6 % пунктга камайди.


Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь–декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)




Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 6,5 % ни (2017 йил январь-декабрь 7,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 5,7 % ни (7,5 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 13,5 % ни (15,4 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

2017 йил
январь-декабрь



2018 йил
январь-декабрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: **Х.Хамракулов**
Тел: (0-371)230-82-60
(0-374) 228-29-77